

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАЊНАВИЯТ

*Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат
музей илмий ходими: Тўрамирзаев Рустамжон*

Бугунги кунда мањнавият масаласи ижтимоий ҳаётимизнинг асосий масалаларидан бирига айланиб қолди. Истиқлол туфайли мањнавий ҳаётимизда туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда бу соҳага улкан ва узлуксиз эътибор қаратиб келинмоқда. Халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури ўсиб, мањнавий асосини янада мустаҳкамлашга пойдевор яратаяпти.

Собиқ тузум вақтида мањнавият деган тушунчани тасаввур ҳам қилиб бўлмаган. Мазкур терминнинг изоҳи, мазмун ва моҳияти илмий луғатларда баён этилмаган, бу ҳақда бирор арзирли фикр билдирилмаган. Чунки марказлашган, тобелик сиёсатига таянган мустабит тузим таркибидаги халқларни бир хил қолипда, исканжада ушлаб, уларнинг ўз тарихи, мањнавиятини ўрганишга, ўзлигини англашга ёъл қўйилмаган эди. Тарихий тажрибалар, илмий изланиш ва кузатишлардан маълумки, дунёдаги ҳеч бир мамлакат ўз мањнавий имкониятларини ишга солмасдан, кишилар онгиди Юксак ахлоқий қадриятларни ривожлантирмасдан, халқнинг миллий руҳиятини уйғотмасдан ва уни мустаҳкамламасдан туриб, миллат ва жамият тараққиётига эриша олмайди.

Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг–минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлаштирилган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимиё, астрономия, меъморчилик, дехқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо билимлар бизнинг буюк мањнавий бойлигимиздир. Бу меросдан оқилона, унумли ва ўринли фойдаланиш, мадад олиш жамиятдаги ҳар бир фуқоронинг муқаддас бурчидир. Агар миллат, давлат ва жамият тараққий топса, инсонларнинг тинч - осойишта ҳаёт кечириши, ўз олдига эзгу мақсадлар қўйиб яшashi учун етарли шарт – шароит яратилган бўлади. Мањнавият инсонни улуғлайди, уни бунёдкорликка, яратувчиликка ундейди, ажойиб хусусиятларни, одамийлик фазилатларини шакллантиради. Кишилик жамиятида инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик, ҳалоллик, поклик каби хислатларни таркиб топтиришда жамоат ташкилотлари, тарбия масканлари, мањнавият ва маърифат даргоҳларининг, қолаверса кенг фаолларнинг тутган ўрни, аҳамияти жуда катта.

Аждодларимиздан авлоддан – авлодга ўтиб келаётган миллий урф - одат ва маросимларни, моддий ва мањнавий меросни чукур ва атрофлича ўрганиш, уларни асраб – авайлаш, замон талаби асосида янада бойитиб келажак авлодга этказиб бериш, миллат ўзлигини англатиш каби масалалар мустақиллик йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Лекин бу борада қўлга киритилган ютуқлар қанчалик кўп ва катта бўлмасин, мањнавий салоҳиятнинг илдизлари мустаҳкам ва дунё сивилизатсиесида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб келмоқда.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, миллий, маънавий – руҳий имкониятимизни юзага чиқариш факат мамлакатимиз ва миллий тараққиётимиз манфаатлари доираси билан чекланиб қолмайди, унинг кўлами ниҳоятда кенг бўлиб, инсоният тараққиёти XXI асрда интеллектуал салоҳиятнинг қайси даражасида ривожланиши ва бу тизимда миллий – маънавий омилнинг устувор бўлиб қолиши билан ҳам боғлиқдир.

Ёшлиар тарбиясида ҳеч қандай асосга таянмайдиган мавҳум қарашлар ва ғоялар билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди, балки у миллий заминларга, авлод – аждодлар яратган миллий ва маънавий меросга, асрлар давомида шаклланган миллий қадриятлар ва тажрибаларга таянган ҳолдагина муваффакиятга эришиш мумкин.

Қолаверса, ўзга миллатларнинг (ҳатто, у умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилиган бўлса ҳам) маънавий – руҳий салоҳиятлари миллий янгиланиш ва покланишда, миллатнинг баркамол авлодини тарбиялашда белгиловчи омил бўла олмайди. У қачонки, миллий салоҳият билан уйғунлашган бўлсагина, миллатнинг баркамол авлодини шаклланишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши мумкин.

Мустақил, қарамлик ва мутеълиқдан озод бўлган миллатгина миллий, маънавий – руҳий тикланиш, янгиланиш имкониятига эга бўла олади. Шу маънода, миллатнинг сиёсий мустақилликни қўлга киритиши ҳали тўла маънодаги мустақилликка эга бўлиш, қолаверса, мустақилликни қўлга киритиш томон қўйилган муҳим қадам эмас. Қачонки, миллат қарамлик ва мутелик тафаккуридан батамом озод бўлсагина, ўзининг “менлигини” тушуниб етса, англасагина тўла маънодаги мустақилликка эришган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Интернет тизими сирлари» Хамдамов Равшан Аюпович
2. Интернет сахифасининг Zamaxshariy.uz сайтидан
3. Интернет сахифасининг Muslim.uz сайтидан

